



БМТДА ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

30 май куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси президенти ташаббуси билан аъзо давлатлар ёшлари иштирокида «Таълим соҳасига ёндашув, бандлик ва зўравонлик, экстремизмга олиб келувчи радикализмнинг олдини олиш» мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда БМТга аъзо 193 давлатдан келган 300 нафарга яқин ёшлар, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Форумдан қўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида ўзаро мулоқот платформасини яратиш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳаси ва бандлик масалаларида учраётган муаммолари, шунингдек, уларнинг турли хил ёт гоёлар ва экстремизм таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан тегишли қарор ва тавсияларини ишлаб чиқиш бўлди.

Учрашувни Бош Ассамблея президенти Мирослав Лайчак кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида бугунги кунда дунёда 2 миллиарддан зиёд ёшлар истиқомат қилиши, улар ҳаётида учрайдиган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги бугунги кунда долзарб эканини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, бугунги ёшларнинг сифатли таълим олиши, улар бандлигини таъминлаш ва ёт гоёлар ҳамда радикализм ва экстремизмдан сақлаш масаласида жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро ҳамкорликдаги аниқ режалар асосида фаолият юритиши муҳим эканини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан БМТ Бош котибининг ёшлар масаласи бўйича вакили Ж.Викраманаяка сўзга чиқиб, бугунги кунда глобаллашиб бораётган дунёда ёшлар муаммоларини бартараф этиш муҳим масалалардан эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг форумда қатнашаётган давлатлар вакиллари ўзлари истиқомат қилаётган мамлакатларда таълим тизими, радикализм ва экстремизм таъсири остида вужудга келаётган муаммолар ҳамда қўлга киритилган ижобий натижалар ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Тадбирда Ўзбекистондан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шўъба раҳбари А.Холмаҳмадов ҳамда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти бош илмий ходими М.Муҳаммадjonсовлар иштирок этди.

Вакилларимиз мулоқотда фаол иштирок этиб, форум давомида кўтарилган муаммоларнинг барчаси бўйича юртимизда давлат даражасида эътибор қаратилган ҳолда жадал чоралар қўрилатгани, бу борада бир қатор ютуқларга эришилганлиги ҳамда амалиётга жорий қилиш мумкин бўлган илғор тажриба орттирилгани ҳусусида гапириб бердилар. Жумладан, 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенциянинг ишлаб чиқиши муҳим экани борасида фикр билдирилди.

Ўзбекистон вакиллари хизмат сафари давомида ЮНИСЕФнинг ўсмирлар ривожланиши бўйича мутахассиси Фабло Фрискиа, БМТнинг ёшлар сиёсати бўйича мутахассиси Ноэлла Ричард, БМТнинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассиси Лоис Нйлин билан учрашдилар. Мулоқотларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбир ва ислохотлар, диёримизда фуқаролик жамияти ривожланиши, фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти, улар учун яратилган шароитлар ҳақида фикр алмашилди.

«Дунё» АА
Нью-Йорк

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, УЛУФ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК ОРЗУЛАР



ПОЙТАХТИМИЗДА УЧ ҚАВАТЛИ ЗАМОНАВИЙ КЎПРИК ҚУРИЛАДИ

Энг гавжум чорраҳалардан бири бўлган Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесишмасида барпо этилаётган уч қаватли янги кўприк қурилиши тирбандликни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Кўприкнинг Паркент кўчасидан Оҳангарон шоссеси-га ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд туннель қурилади. Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур туннель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади.

Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради. Шунингдек, Тошкент механика заводида таъмирланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл ўтказгич барпо этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, шу чокча қуртимизда уч қават кўприк қурилмаган эди. Эндиликда Ўзбекистон эстакада бунёд этиш тажрибасини ҳам ўзлаштирмоқда.

Қурилиш ишларини 2019 йил август ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилмоқда.

АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ


мустаҳкам бўлса, фуқаролар ҳуқуқлари муносиб ҳимоя қилинади, акс ҳолда қонунсизлик авж олади...

Хар қандай давлатнинг демократик кадриятлари даражаси аввало фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоялангани билан белгиланади. Бу масала жуда катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамиятга эга, фуқароларнинг руҳий-маънавий оламига дахлдор. Ўз фуқаролари шаъни ва қадрини улуглаган мамлакатда тинчлик барқарор бўлиши, тараққиёт изчил довом этиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ — МЎЛ ҲОСИЛ КАФОЛАТИ



Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатлари, ғўзадан кафолатли ҳосил яратишнинг қўшимча чоралари масалаларига бағишланган сессия бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ иштирокида ўтказилган йиғилишда сув билан боғлиқ вазият ва уни бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди. Худудда жойлашган сув омборларидаги сув захира-си 2017 йилга нисбатан 7 фоизга камайган. Бу эса, ўз навбатида, вилоятда сугорилинадиган ерларга талаб этиладиган сув миқдоридан 308 миллион куб сув танқислигини вужудга келтирмоқда.

Ушбу ҳолат вилоятдаги мавжуд қарийб 400 минг гектар сугорилинадиган

ерларда сувдан оқилона фойдаланиш, сувнинг ҳар томчисини мақсадли сарфлашни талаб этади. Жорий йилда худудда сувни тежаш мақсадида 800 гектар ер майдонида эгатга плёнка тўшаб, 2 минг 120 гектар ерда эса ўқ ариқлар ўрнига эгилувчан қувурлар орқали сугориш усуллари жорий этилади. Яна 53 донга кўчама дизель насос агрегатлари олинади.

Соҳага илғор инновацион технологияларни жорий этиш сув исрофининг олдини олишга хизмат қилади. Аммо вилоятда айрим сув агрегатларининг носоз ҳолатда экани, ариқларнинг етарли даражада тоза эмаслиги, тунги сугориш

усулига амал қилмаслик, сугориш ишларига сувчиларнинг етарлича жалб этилмаслиги каби ҳолатлар ҳам мавжудки, бу ҳолат сувнинг ортқича исроф бўлишига сабаб бўлмоқда. Биргина сугоришда навабати ташкил этиш каналлардаги сув исрофини 10-20 фоиз, ўқ ариқлардаги сув исрофини 30-35 фоизгача камайтириши мумкин.

Йиғилишда сув кўп талаб этиладиган тақририй экинлар майдонини қисқартириш, тизимга илғор инновацион технологияларни жорий этишни янада ошириш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда мавжуд муаммолар атрофида таҳлил этилиб, уларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш, белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда депутатлар назоратини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

А.ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА.

The New York Review of Books

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТОНГ ОТЯПТИМИ?

Аҳмад Рашиднинг nybooks.com
The New York Review of Books
— АҚШ сайтида чиққан
мақоласи ана шундай
номланади.

«Ўзбекистон аста-секинлик билан барча муаммоларини бартараф этмоқда. Минтақадаги вазият бекарорлашаётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тинчлик тарафдори экани билан бутун дунё эътиборини тортмоқда.

Март ойида Тошкентда Афғонистонда тинчликни таъминлаш юзасидан йирик халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг етакчи давлатларидан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон жуда кучли армияга эга. Шу сабабли минтақадаги нуфузли давлат саналади. Ислохотчи Президент бошчилигида бугун сиёсий ва иқтисодий тизимларда очиқлик таъминланмоқда.

Халқаро экспертлар Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги мавжуд бошқарувни ўзгартирмайди, деб ўйлаган эди. Аммо унинг ҳаракатлари барчани, айниқса, ўз фуқароларини хайратга сола бошлади. Илгари мамлакат қамқоналарида сиёсий махбۇслар сақланарди. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари уларнинг ёнига яқинлаша олмади. Ўтган йилдан бошлаб сиёсий махбۇслар ва журналистлар қамқондан озод этила бошланди.

Мамлакат ривожланиши учун муҳим бўлган йўналишларда ислохотлар давом этмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг сўзларига кўра, пахта йиғим-теримида болалар меҳнатидан фойдаланишга бутунлай барҳам берилди. Ҳукумат босқичма-босқич иқтисодий ўзгаришларни изчил амалга оширмоқда. Халқаро валютани олишга бўлган тақиқ бекор қилинди. Диний эркинлик таъминланди. Телевидение устидан ўрнатилган назорат ҳам олиб ташланди.

Ушбу ҳаракатлар хорижий инвесторларни жалб этиш йўлида қилинаётган ишларнинг бир қисмидир. Эндиликда инвестициявий муҳитни яхшилаш йўлида олиб борилаётган улкан ислохотлар сабабли Ўзбекистон тез орада ривожланган давлатлар қаторига кириши эҳтимоли катта.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон бошқаруви-га келганидан сўнг қўшни давлатларнинг барчасига сафар уюштирди ва уларни барча соҳаларда ҳамкорликка даъват этди. Март ойида Тожикистонга расмий ташриф буюрган Шавкат Мирзиёев икки мамлакат фуқароларига ҳам қийинчилик туғдирган виза режими соддалаштирди. Қирғизистон билан муносабатлар ҳам илиқлашди. Бир сўз билан айтганда, вазият тубдан ўзгарди».

Темур АбЗАМ тайёрлади.

СИФАТСИЗ ВА СЕРТИФИКАТСИЗ СОТИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР

учун жавобгарлик
кучайтириладими?

Хорижий давлатларда маҳсулот эскиришидан бир ҳафта олдин чегирма берилади, бир кун олдин эса маҳсулот растадан олиб ташланади. Лекин бизда бундай тизим йўқ. Шунинг учун бу каби масалаларни ҳам кўриб чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 5 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ
доллари
7944,07

1 Англия фунт
стерлинги
10602,95

1 Жанубий
Корея вони
7,42

1 Канада
доллари
6135,84

1 Швейцария
франки
8040,56

1 Миср фунти
445,05

1 ЕВРО
9262,79

1 Япония иенаси
72,53

1 Малайзия
ринггити
1997,50

1 Хитой
юани
1237,78

1 БАА дирҳами
2162,95

1 Австралия
доллари
3010,48

 info@uzbekistonovozi.uz

АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ

мустаҳкам бўлса, фуқаролар ҳуқуқлари муносиб ҳимоя қилинади,
акс ҳолда қонунсизлик авж олади...

Агар одамлар адолатсизликларга учраса, қонун устуворлигига ишонмаса, ҳаётдан норози бўлса, давлатнинг қудратига путур етади, жамиятда ҳавф-хатар кучаяди. Бундай ҳолатлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигига тарихдан ҳам, бизга узоқ-яқин бўлган мамлакатларнинг бугунги ҳаётидан ҳам қўллаб-қўлловчи келтириш мумкин.

Яқин ўтмишда ўзимиз ҳам қонунсизликларни бошимиздан кечириб, азобларини кўп тортдик. Совет замонидан инсон ҳуқуқ ва эркинлиги шафқатсиз паймол этилиб, қадр-қиммати оёқ-ости қилинган даҳшатли фожиаларга олиб келди, миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлди. Қонунлар қозғалди, қонунлар қозғалди, суд-тергов идоралари устидан амалдорлар ҳукмрон эди. Инсон тақдирини қонун эмас, уларнинг буйруқлари ҳал этарди. Афсуски, бу иллат мустақиллик йилларида ҳам ҳар хил кўринишда учраб турди, суд-ҳуқуқ соҳасида кўп хатоларга йўл қўйилди. Биз адолатсизликларни кўриб, ўзимизни қўрмасликка, билиб билмасликка олиб келдик. Назоратнинг йўқлиги, қонунсизликларга ўз вақтида чора кўрилмагани оқибатида адолатсизликлар томир отди. Айниқса, «қудалар», «акалар», деганларнинг ўзи хон, қўланкаси майдон бўлди. Миллий ҳавфсизлик хизматининг нопок ходимлари жиноят ишини тергов қилиб, айблов фикрини ёзган бўлса, тамом, суд мустақил қарор қабул қилиши қийин эди. Судланаётган одам айбсиз бўлса-да, қамалиб кетаварди, асоссиз қамоқда ётгани тўғрисида қаерга хат ёзмасин, қаерга арз-додини айтмасин фойдаси йўқ эди. Ёки «қудалар» судга-топиришга бериб, ўзи истаган ҳукм чиқарилишини назоратга оларди. Судьялар уларнинг кўзига ёмон кўринишдан қўрқарди, чунки эрта бир кун судья ҳақида бериладиган маълумотномада қасддан салбий фикрлар қўрсатилиши ва шу билан унинг келажагига нуқта қўйилиши мумкин эди. Баъзан эса қонун талаби билан кимнидир оқлаган судьяга нисбатан фитна уюштирилиб, у пора-хўрга чиқариларди. Бундай ярамас иллатлардан қанчадан-қанча одам, оилалар, болалар жабр кўрди.

Ўзларини ҳавфсизлик ҳимоячилари қилиб кўрсатиб, аслида пора-хўрлик, қароқчилик билан шуғулланганлар давлатга беҳисоб зиён етказишди. Бугун ҳаёт ҳам, талаб ҳам ўзгарди. Қутурганларнинг кўплари қонун олдида жавоб беришмоқда. Улар нафақат ўзларини бадном қилишди, айни чоғда ҳалол ҳам-касблари ва идора номига ҳам доғ туширишди.

Ҳамма билади, шу вақтга қадар суд амалиётида оқлов ҳукми чиқариш ҳоллари қамдан-қам учради. Одамлар оғзида «бизнинг судларда оқлов йўқ», деган гаплар юрарди. 2016 йил 19 октябрда Президентимиз «Энг ачинарлиси, кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган. Бундан биз, барча тергов органлари хатосида ва жуда сифатли даражада ишляпти, деган хулосага келишимиз мумкинми? Йўқ, албатта. Суд ёки оқлов, ёки айблов ҳукмини чиқариши керак», дея адолатли талабни қўйди. Суд-ҳуқуқ тизимида узоқ йиллар ҳукм суриб келган адолатсизликлар томирига боқла урилди. Ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, қонунни бузган ҳуқуқ-тартиб, суд идоралари, мухлиъ ҳавфсизлик хизматининг нопок ходимлари шаънига аччиқ гаплар айтилди. Суд-ҳуқуқ тизимини жиддий ислоҳ қилишга киришилди.

2017 йил 22 декабрь куни Президентимиз Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида ўтган анжуманда Олий Мажлисга Мурожаатномада қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилиш бўйича ўта муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу масалада аввало шундай фикр илгари сурилди: **халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.**

Бу гапдан хулоса шуки, барча

ишларимиз адолатли бўлмоғи, халқимиз манфаатига хизмат қилмоғи керак. Адолатни ўрнатиш бир одамнинг ёки айрим идораларнинг иши эмас, барчамизнинг вазифамиздир. Мурожаатномада адолатли бўлиш ва адолатсизликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган, бошқача айтганда, инсонни қадрлайдиган, улуғлайдиган кўрсатмалар берилди. Умумий, баландлар-воз гаплар эмас, балки аниқ ва халқимизни беҳад қувонтирган вазифалар қатъий қилиб қўйилди: **«Халқимизнинг бағрикенглик каби азалий қадриятларидан келиб чиқиб, жинсий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш лозим».** Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳибсга олинган ва жинсий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа ғайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл қўйилмаслиги таъкидланди. Бундай ҳаракатларни содир этган ходим ёки кимнингдир «бюроутмаси»ни бажарган ҳар қандай шахс ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар қонуний жазога тортилади.

Бу гаплар одамлар манфаатини кўзлаб айтилаяпти. Бу гаплар у қўлоқдан кириб, бунисидан чиқиб кетадиган гаплар эмас. Яна ўйлаб кўрайлик, бу гапларни ким айтаяпти?!.. Давлат раҳбари халқимиз тақдирини тўғрисида, фуқароларимизни адолатсизликлардан асраш учун шунчалик қайғураётган экан, ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари ўз вазифасига қандай ёндошиши керак бўлади? Улар тафаккурида инсонни қамашга мойиллик қучли бўлиши керакми ёки озодликдан маҳрум этмай, бошқа чора-тадбирлар қўллаш тўғрисида ўйлаши керакми?

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун ягона ва энг қаттиқ талаб сифатида фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилиш кўрсатилмоқда.

Бу масалада қисқа муддатда қонунчилигимизда кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, 2017 йил 29 мартда қабул қилинган Қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексининг жиноят ишини суддан қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги 419-моддаси бекор қилиниб, жиноят процессида томонларнинг ҳақиқий тортишуви асосида шахсининг айбланиши ёки айбдор эмаслиги масаласини узил-кесил ҳал этиш белгилаб қўйилди. Яъни оқлов ҳукми чиқариш учун имконият кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 ноябрдаги Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини қўлайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 4 апрелдаги Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини қўлайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун билан шахсини айблашда фақат аниқ далилларга асосланиш шарт эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши дастлабки тергов ва суд ишларини юритишда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, судья ва терговчиларнинг масъулиятини қўлайтиришга, аҳолининг судга бўлган ишончининг орттишига мустаҳкам замин яратди.

Олий суддан олинган маълумотларга кўра, 2017 йилда суд тизимида амалга оширилган демократик ўзгаришлар натижасида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 262 нафар шахс оқланган. Ваҳоланки, 2012-2016 йиллар орасида атиги 7 нафар шахс оқланган эди.

Олий суддан олинган маълумотларга эътибор қаратайлик. 2018 йилнинг биринчи чорагида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 114 нафар шахсга нисбатан 68 жиноят иши бўйича судланувчи ва маҳкумларни оқлаш ва реабилитация



ция қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Шундан 55 нафар шахсга нисбатан 31 та жиноят ишини биринчи инстанция судида қўриш якунига кўра, оқлов ҳукмлари чиқарилди, 9 нафар шахсга нисбатан 3 та жиноят иши биринчи инстанцияда, 50 нафар шахсга нисбатан 34 та жиноят иши юқори инстанцияда ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги ёки айбланувчининг жиноятга дахли бўлмагани сабабли оқланди, уларга нисбатан юриктирилган жиноят ишлари тугатилди.

Шунингдек, бевосита Олий судда жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмларга протест келтирилиб, 11 нафар шахс оқланди. Уларнинг 2 нафарига нисбатан оқлов қарорлари Олий суд Раёсати томонидан қабул қилинди.

Масалани вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Қашқадарё вилоятида 29, Тошкент шаҳрида 16, Тошкент вилоятида 13, Сурхондарё вилоятида 7, Хоразм вилоятида 6, Қорақалпоғистон Республикасида 5, Самарқанд вилоятида 5, Андижон вилоятида 7, Фарғона вилоятида 4 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Бошқа вилоятлардан ҳам ана шундай мисолларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида апелляция, кассация ва назорат босқичларида маҳкумлар ва уларнинг адвокатлари тақдим этган шикоятлар асосида жиноят ишлари кўриб чиқилиб, 50 нафар шахс оқланди.

Тергов органлари томонидан айбонлиқ, судланган ва жорий йилда оқланган, реабилитация қилинган шахсларнинг 3 нафари собиқ ҳоким, 1 нафари прокурор, 10 нафари ички ишлар ва 1 нафари божхона ходими, 8 нафари тадбиркор, 14 нафари темир йўл, 5 нафари банк ходими ва 22 нафари вақтинча ишсиз фуқаролардир.

Ушбу суд қарорлари Олий суд томонидан ўрганиб чиқилди, мазкур жиноят ишлари бўйича айбонлар асосли далиллар билан тасдиқланмагани, тахмин ёки оғзаки миш-мишлардан иборат маълумотларга асослангани боис оқлов ҳукмлари асосли чиқарилган, деб топилди.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят Нишон туман суди сайёр суд мажлисида Қарши тумани Кахляк қишлоқ фуқаролар йиғинида эр-хотин Иброҳим Солиев ва Сабоҳат Солиевани Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-ва 3-қисмлари билан айблаш ҳақидаги жиноят ишини кўриб чиқди.

Тергов органи хулосасига кўра, Тожикистон Республикасининг Регар туманида туғилган И.Солиев ва С.Солиева қишлоқ фуқаролар йиғини дафтарида сохта ёзув кириштириб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини асоссиз равишда олиб, фойдаланиб келганлиқда айбланган.

Судда айбланувчилар 1991 йилда Қашқадарё вилоятига болалиги билан кўчиб келиб яшаётгани, Ўзбекистон паспортини қонуний тартибда олишгани, ўзларини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблашини билдириб, фуқаролик паспортлари қайтариб берилишини талаб қилишган.

Судда сўралган гувоҳлар бу оилани қишлоқда ҳамма яхши таниши, Иброҳим ака узоқ вақтдан буюн Қарши шаҳридаги «УМС-4» ташкилотидида ишчи, Сабоҳат опа эса, «Лола» болалар боғчасида энага бўлиб ишлаши, фарзандлари шу ердаги мактабда ўқишгани, қишлоқ аҳолиси билан аҳил-иноқлигини баён қилишди.

Хулоса шундай бўлдики, бу ҳолатлар терговда ҳолисона ва синчковлик билан текширилмасдан судланувчиларга нисбатан айб эълон қилган ва айбсизлик презумпцияси талабларини бузилган. Суднинг 2018 йил 15 январдаги ҳукми билан судланувчилар оқланди. Дастлабки терговда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари учун суд Қашқадарё вилоят ИИБ Тергов бошқармасига хусусий ажрим юборди.

Олий суд томонидан олиб берилган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, оқланган шахслар устидан қўзғатилган жиноий ишлар аксарият ҳолатларда дастлабки терговда берилган оғзаки кўрсатма, мутлақо асоссиз айбларга асосланган.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2015 йил 3 августдаги ҳукмига кўра, 2006-2009 йилларда шу вилоят прокурори лавозимида ишлаган Дилмурод Абдурахмонов вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Ш.Сафаровнинг камчиликларини яшириш учун 2007-2008 йилларда 2000 АҚШ долларидан пора олганлиқда ва 2009 йилда Олтинсой туман прокурори Ш.Мавлоновдан ҳимоясига олиш эвазига 600 АҚШ долларини олганлиқда айбдор деб топилди, Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан жазога тортилган.

Бу жиноят иши Олий судда ўрганиб чиқилганда, Д.Абдурахмоновга қўйилган айблов Ш.Сафаров ва

Ш.Мавлоновнинг фақат терговда

ГЎЗАЛЛИК УЛАШАЁТГАН, ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛАЁТГАН ОДАМЛАР...

«Гул байрами» йилдан-йилга янгича мазмун касб этиб, Наманганинг ўзига хос брендига айланди. Байрам ўтадиган асосий ғўша — Заҳрирдин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи гулзору чаманзор тусини олди.

Байрамнинг бошланиши ўзига хос тантанаворлик касб этди. Наманган халқро азро-портидан йўлга чиққан турфа гуллар карвонининг завку оро-йиши мезбону меҳмонларни бирдай ҳаяжонга солди.

Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси Хайрулло Бозоров гул сайли иштирокчиларини, Туркия, Саудия Арабистони, Бангладеш, Қувайт, Баҳрайн, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва бошқа давлатлардан келган меҳмонларни гўзаллик байрами билан қутлади.

150 дан ортиқ турдаги 2 миллион туп ноёб навли гул кўчатлари намойиш этилаётган катта сайил бошланди. Наманган шаҳри ва туманлари, Фарғона, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган гулчилар томонидан 3 миллиондан зиёд гуллар кўргазмаси ва савдоси ташкил этилди.

Сирожидин Қодиров, Жўраҳон Мўминов, Аҳмаджон Султонов, Санобар Абдуллаева, Носиржон Ҳакимжонов, Маъруфжон Каримов, Абдулло Сатторов каби наманганлик гулчилар йиғилганларга ҳар туп гулнинг биологик хусусиятидан тортиб, ранг товланишларига-ча, шифобахшлигидан тортиб, таъсирлиниш хусусиятигача маълумот беради.

Бугунги кунда Наманган гулчилини ривожлантириш марказида Россия, Голландия, Германия ва Хитой давлатларидан келтирилган энг замонавий биотехнология асосида ишлайдиган лаборатория фаолият олиб борапти. Бу ерда 200 мингга яқин хонаки, манзарали, дарахсимон ва замонавий ландшафт ҳосил қилувчи нодир гул навлари парваришланмоқда. Бир гуруҳ гулчилар Тошкентдаги «Ботаника» илмий-тад-

қиқот институти билан ҳамкорликда Голландия, Туркия, Бельгия, Корея давлатларида бўлиб, гулчиликни ривожлантириш бўйича тақриба алмашиб келди.

Наманган муҳандислик-технология институтида янги ўқув йилидан гулчилик йўналиши очилиб, 40 нафар талаба қабул қилиш кўзда тутилаётгани ҳақидаги маълумот барча учун энг қувончли янгиликлардан бири бўлди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими ва мактаб-гача таълим муассасалари бошқармалари тизимидаги ташкилотлар томонидан тайёрланган, бир-биридан жозиба-ли бетақор гул композициялари дилларга кўтаринкилик улашади.

Гул байрами доирасида ташкил этилаётган маданий тадбир, танлов ва мусобақалар, кўнгилочар ўйинлар, аския ва ҳазил-мўйибалар, учрашув ва давра суҳбатлари, мушоиралар, дорбоз томошалари барчани ўзига чорлайди.

Гул сайлида хорижлик меҳмонларнинг иштироки мазмун-моҳиятида ички ва ташқи туризм, хусусан экотуризмни ривожлантириш мақсадлари мужассам.

Наманганга биринчи бор келишим. Шундай аjoyиб байрамда иштирок этаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди Саудия Арабистони киролининг ўзбекистондаги элчихонаси аташеси Маджи Хусайн ал Субайхи. — Дунё гўзалликлари Наманганда ҳам бўлибди. Ўзбекистоннинг таърифи йилгари ҳам кўп эшитардим, бунчалик даражада чироилигини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Наманганда гул эзгулик ва юксалишлар рамзи сифатида ҳам эъзозланар экан.



— Ўзбекистонга доимий ҳамкорим Баҳри Ишик билан биргаликда инвестиция киритиш мақсадида келганман, — дейди туркиялик тадбиркор Зокир Амир. — Қувончим шу қадар чексизки, бунинг сабаби бор. Мен асли наманганликман. Тақдир тақозоси билан Туркияда яшаймиз. Бугун биз учун ота маконда фаолият кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Айни пайтда Янгикўрган туманида «Шердор Гред» ширкати иштирокида замонавий сихатгоҳ барпо этиш бўйича музокара олиб бораёмиз. Наманган шаҳрида ўтказилган гул байрами олдин-



дан ортиқ томошабин кузатиб боради. Жуда кўп давлатлардан кўрсатув ва репортаж тайёрлаймиз. Ўзбекистонга келиб Марғилон ва Наманган шаҳарларида бўлдик. Айниқса, Намангандаги гул байрами диққат-эътиборимизни тортди. Турфа гуллар эстетик завқ беради. Одамлар ҳам меҳмондўст, чехрасида табассум, келажакка ишонч бор. — 58-янавий «Гул байрами» расман бир ҳафтага мўжжалланган. Аммо эл талаби, гулчилар иштиёқи сайилларни бир ойгача давом эттиришни тақозо қилмоқда, — дейди Гулчиликни ривож-

лантириш маркази директори Отабек Жўраев. — Ўзига хос байрам сайиллари хонанда-ю созандаларнинг куй-лапарлари, мусаввиру ҳайкалтарошларнинг санъат намуналари билан ўзаро уйғунлик касб этмоқда.

«Гуллар байрами» анъанага кўра байрамнинг энг яхши иштирокчиларини тақдирлаш маросими билан якунланди.

«Гуллар байрами»даги иштироки учун таъсис этилган иккита олий ўринга қўйилган мукофот — «Спарк» автомашинасидан бири хусусий тадбиркор гулчи

Мирзохид Холмирзаевга берилди. Иккинчи «Спарк» автомашинаси меҳнат жамоалари ўртасида олий ўринга муносиб топилган «Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятига топширилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар, яқка тартибдаги гулчилар ўртасида ҳам турли номинациялар бўйича қолиблар, фаол иштирокчилар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ IX ЖАҲОН КУБОГИ МЕДАЛЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Россиянинг Анапа шаҳрида кикбоксинг бўйича IX Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 100га яқин давлат кикбоксчилари қаторида 63 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон катталар ва ёшлар терма жамоалари ҳам иштирок этди.

Кубок баҳсларида умумий ҳисобда ҳамюртларимизнинг 22 нафари барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. 14 нафар спортчимиз қумуш медал билан тақдирланди. 14 кикбоксчимиз бронза медалига сазовор бўлди.

ТЕННИС БАЙРАМИ

Наманган шаҳридаги «Дўстлик» кортида теннис бўйича «Фьючерс» туркумига кирувчи турнир бўлиб ўтмоқда. Кеча соврин жамғармаси 25 000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мусобақада саралаш баҳслари якунланиб, асосий тўрга йўлланма олган теннисчиларнинг номи маълум бўлди.

Ҳамюртларимиздан асосий тўрда тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини Сабина Шарипова, Нигина Абдураимова, Арина Фолц, Валентина Шлейн ҳамда Сетора Нормуродова қўлга киритди. Сабина, Нигина ва Арина ўз рейтинг ўринлари билан бунга эришган бўлса, Валентина ва Сеторага ташкилотчилар имтиёзли йўлланма тақдим этилди.

Сабина Шарипова асосий тўрда россиялик Анастасия Фроловага қарши қотқа чиқди. Арина Фолц яна бир рус теннисчиси, турнирнинг саккизинчи ракетаи Анна Моргина билан тўқнаш келади. Валентина Шлейн болгариялик Юлия Терзиска, Сетора Нормуродова россиялик Дарья Кружкова билан беллашади.

2 июнь кун Андижонда якунланган ҳудди шундай турнирда Сабина Шарипова бош мукофотни қўлга киритганди.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

2018 йил 30 июнь кун
Самарқанд давлат медицина институтида 1968 йилда
Тошкент давлат медицина институту педиатрия факультети битирувчиларининг 50 йиллик учрашуви бўлиб ўтади. Шу муносабат билан 1968 йилда Тошкент давлат медицина институту педиатрия факультети (ТашМИ, пед.фак.) битирувчиларини ташкилий кўмитага мурожаат қилишларини сўраймиз.

Ташкилий кўмита:
Электрон почта:
samtmi@mail.ru
Мурожаат учун
телефонлар:
+99891 519 96 82
профессор Э.ТОИРОВ,
+99891 532 33 83
доцент С. ЮЛДАШЕВ,
+99890 250 28 90
ассистент Х.РАҲИМОВА,
+99890 251 54 03
А.УСАНОВ,
+99897 716 05 17
Н.МАДАТОВ,
(0366) 233 07 66
СамМИ қабулхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги 3699-сонли қарорига асосан 2018 йил 1 августдан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаштириш «Сифат» маркази давлат унитар корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.
Маълумот учун телефон рақамлари: 120-59-20, 120-59-36, 120-59-10
E-mail: info@sifat.uz; sifat@exat.uz
web: www.sifat.uz

Ўзбек давлат циркида болалар учун хайрия томошаси бўлиб ўтди. Ҳар йили анъанага айланиб қолган ушбу байрам дастурига кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари таклиф этилди.



БОЛАЛАР — БОЛАЛАРГА

Байрам томошаси «Ассалому алайкум» қўшиғи ва рақси билан бошланди. Наталья Пятакова баландликда ўзининг хавфли ва экстримал ҳаракатларини намойиш қилди. 9 ёшли цирк артисти Далер Хаметов ҳаво акробатикаси жанри бўйича томоша кўрсатиб, барчани лол қолдирди. Ролликда ҳаракатланувчи Қаҳрамон Ахназаров, Надежда Ли ва уларнинг қизи Райхон Қаҳрамонованинг оилавий трюклари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Цирк ҳайвонлари иштирокидаги томошалар ҳам йиғилганларга ўзгача кайфият берди. Масҳарабознинг болажонлар билан ҳазил томошалари ҳамда машҳур цирк артисти Марат Қўшмағамбетов ўз дастурини томошабинлар иштирокида намойиш этгани тадбирни янада жонлантирди.

Концерт дастурида жонглёр вазифасини бажардим, — дейди Ўзбек давлат циркининг артитери Элбек Қувватмуродов. — Саҳнага чиққанмда биттадан бештагача копток ўйната олам. Болаларнинг дили нозик бўлади. Шунинг учун ашуларимиз ҳам шўх, ўзимиз ҳам саҳнага ўйинқароқ, қувноқроқ бўлиб чиқамиз. Болаларга ёқибга ҳаракат қиламиз. Бугунги байрам дастурига астойдил тайёргарлик кўрдик. Барчамиз дастурларимиздан сўнг биз учун энг катта рағбат гулдурас қарсақни болалардан қабул қилиб олдик. Демак, томошаларимиз уларга маъқул бўлди.

Ўз мухбиримиз.

«ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ИНСОНИАТ РУҲИГА ҲАЁТ БАХШ ЭТАДИ»

Нурота тумани марказида жойлашган қадимий чашма ҳудудида учинчи маротаба ўтказилётган «Нурли наволар» халқаро фестивалида Қозоғистон, Афғонистон, Тожикистон, Германия, Франция, Хитой, Корея, Россия сингари 30 га яқин мамлакатдан келган санъаткорлар, фольклор-этнографик жамоалар, бахшилар, олимлар сайёҳлар иштирок этди.

— Нурота чашмаси табиат ва набототга жон бахш этса, фольклор санъати инсоният руҳига ҳаёт бахш этади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори Маматкул Жўраев. — Вилоятлардан келган фольклор жамоалари ҳудудларга хос бўлган қадимий анъаналарни акс эттирадиган кўшиқларни ижро этишди. Унутилиш арафасида турган қадриятларимизнинг ҳудудларда қайта тикланаётгани мени ниҳоятда хурсанд қилди. Энг қимматлиси, фольклор жамоалари жуда қадимий кўшиқларни жойларда яшаётган кексалардан эзиб олиб, уларни сайқаллаб, яна асрлар давомида яшаб қолишига ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.



— Ўзбек халқининг қадимий анъаналари, ўтмиши, урф-одатлари мени доимо ўзига мафтун этиб келган, — дейди французиялик меҳмон Мариэ Луисе Чардом. — Айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразмдан келган фольклор жамоаларининг чиқишларидан катта таассурот олдим. Номоддий мадания меросини асраб, авайлашга қаратилаётган бундай фестиваллар қадимий анъаналарнинг соғлиғига сақланиб қолишига хизмат қилади.

— Анжуманда вилотиямизнинг ўзига хос миллий рақс ва кўшиқларини ижро қилдик, — дейди бухоролик Қумуш Зокирова. — Шу билан бирга республикамизнинг турли ҳудудларида бир неча асрлардан буён сақланиб келинаётган анъаналар билан ҳам

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 638, 11092 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 22:50.

Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturhalar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

720107433000

Gazetaning elektron sahifasiga ўtmish

uchun QR-kodni telefonningiz orkali

skaner qiling.

1 2 3 5 6